Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 273 (6. 762) 1988 йил 30 ноябрь, чоршанба Баҳоси 3 тийин

Кеча Кремлда ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессияси иш бошлади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев «Советларнинг тўла ҳокимияти ва социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этиш сари» деган мавзуда доклад қилди.

*Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессияси*



МОСКВА. Кремль. 1988 йил 29 ноябрь. Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессияси. (ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

# СОВЕТЛАРНИНГ ТЎЛА ҲОКИМИЯТИ ВА СОЦИАЛИСТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИ БАРПО ЭТИШ САРИ

## *М. С. ГОРБАЧЕВнинг СССР Олий Советининг сессиясида 1988 йил 29 ноябрда қилган доклади*

I.

Депутат ўртоқлар!

СССР Олий Советининг ушбу навбатдан ташқари сессиясида биз сайлов тўғрисидаги ҳамда СССР Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақидаги Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасининг якунларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқишимиз ва қабул қилишимиз керак.

Олий Совет муҳокамасига тақдим этилган Қонун лойиҳалари партиядаги қайта қуриш — унинг жамиятнинг сиёсий авангарди сифатидаги потенциалини очиб бериши, унга хос бўлмаган функциялардан озод қилиши ҳамда партия, совет ва хўжалик органлари ўртасида меҳнатнинг тақсимланишини таъминлаши керак бўлган қайта қуриш билан бирга бизни КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларида белгиланган сиёсий ислоҳотни рўёбга чиқариш соҳасидаги кенг амалий ишлар йўлига олиб чиқади. Шу тариқа совет жамиятини демократиялаш жараёнига янги қудратли туртки берилади.

Белгиланаётган ўзгаришлар революцион қайта қуришнинг умумий программасида қандай ўрин тутади?

Агар ҳозирги даврни жуда қисқа қилиб таърифлайдиган бўлсак, унинг, айтайлик, сиёсий манзарасини берадиган бўлсак, айтиш керакки, бу 80-йиллар ўрталарида вужудга келган вазиятни англаб олиш, қайта қуришнинг яхлит концепцияси фикри туғилган ва шаклланган босқичдан ғоялар борган сари кўпроқ сиёсий йўл-йўриқлар ва қонуний тартиблар тусини олаётган, биринчи ўринга эса иш, ҳаётни янгича ташкил этиш чиқиб бораётган босқичга ўтиш давридир. Бу давр ҳам мураккаб, ҳам ғоят масъулиятли даврдир.

Қайта қуриш — фаолиятимизнинг энг асосий соҳасидир. У чинакам социалистик ютуқларни, идеаллар ва принципларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун ҳам, ўтмишдан мерос қолган бузилишларни, салбий ҳодисаларни енгиш учун, ҳар бир областдаги, район, меҳнат коллективидаги амалий ишларни ҳал қилиш учун ҳам калитдир.

Шунинг учун ҳам бу жараён тобора кучайиб борадиган, ҳеч қандай вазиятлар, ҳеч қандай хусусий проблемалар ва ноаниқликлар уни секинлаштириб қўя олмайдиган ва айниқса унга хавф туғдира олмайдиган тарзда ҳаракат қилмоғимиз керак. Буни, ўртоқлар, ҳаммамиз — ҳар бир ишчи, деҳқон, зиёли, ҳар бир совет граждани эсида тутиши керак.

Ҳозирги пайтнинг хусусияти шундан иборатки, бизнинг бундан буёнги тараққиётимиз борган сари кўпроқ сиёсий институтларнинг мукаммал эмаслигига дуч келмоқда. Биз буни ҳар қадамда ҳис қилмоқдамиз.

Давлат корхонаси ва кооперация тўғрисидаги Қонунларнинг қабул қилиниши, хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, пудрат ва ижарани кенг кўламда жорий этиш учун шароит яратилиши экономикани аста-секин соғломлаштиришга, халқнинг турмуш даражасини яхшилашга йўл очиб берди.

Лекин меҳнаткашларнинг кўпгина ташаббуслари ва бошлаган ишлари бюрократик чалкаш йўлларда йўқ бўлиб кетмоқда ва ҳатто қаршиликка учрамоқда. Шунинг учун ҳам кейинги пайтнинг асосий сабоғи шундан иборатки, бутун ҳаётимизни демократиялаштирмасдан туриб, Советларни ҳокимиятнинг ваколатли ва халқнинг ўз-ўзини бошқарувчи вакиллик органлари сифатида қайта тикламасдан туриб турғунлик ҳолатидан чиқишни жадаллаштириб бўлмайди.

Бу эса кўпинча эшитишимизга тўғри келаётган саволга: биз сиёсий ислоҳот учун моддий базис тайёрламасдан туриб, одамларнинг озиқ-овқат, товарлар, хизматлар, уй-жойларга бўлган зарур эҳтиёжларини қондиришда бурилишга эришмасдан туриб сиёсий ислоҳотга барвақт киришмадикми, деган саволга ҳам жавоб бўлади. Йўқ, ўртоқлар, енгил йўллар бўлмайди. Менинг иқтисодий ислоҳотни сиёсий ўзгаришлар билан, демократиялаш ва ошкоралик билан қўшиб олиб боргандагина сиз билан биз яқин келажак учун ҳам, истиқбол учун ҳам ўз олдимизга қўйган вазифаларни ҳал қилиш мумкин, деб қайта-қайта айтишимга тўғри келган.

Экономикада, жамиятни социал қайта қуришда, маънавий соҳани соғломлаштиришда бошланган жараёнларни ҳозир сиёсий ислоҳот билан мустаҳкамламасак, уларга мувофиқ келадиган бошқарув системасини вужудга келтирмасак, Советларнинг, кадрларимизнинг ишини тубдан янгиламасак — қайта қуриш соҳасидаги барча жараёнлар бир жойда депсиниб қолиши муқаррар.

Сиёсатда ҳеч нарсани ўзгартирмасдан, кенг демократик ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб экономикада ишларнинг аҳволини ўнглаб олиш йўлида ўтмишда қилинган муваффақиятсиз уринишлар тажрибаси бизга кўп сабоқ берди. Сиёсий ислоҳот — бу жамият организмининг яшаши учун зарур бўлган ўзига хос кислороддир. Унинг мақсади — ҳаётнинг барча томонларини демократиялаш орқали шахснинг манфаатларини коллективнинг ва бутун жамиятнинг манфаатлари билан қўшишдан, меҳнаткаш инсонни ишлаб чиқаришда ҳам, давлатда ҳам амалда хўжайин сифатида қарор топтиришдан, уни бутун сиёсий жараённинг марказига қўйишдан иборатдир.

Қайта қуриш бизда турғунлик йилларида ҳукм сурган жимжитликни том маъноси билан портлатиб юборди, кенг ва эркин мунозарага туртки берди, кўпгина етилган ва ҳатто дардли масалаларни ҳам юзага чиқарди. Бинобарин, мана шу ижтимоий жараённинг жуда катта энергияси тарқалиб кетмаслиги, беҳуда сарфланмаслиги ва айниқса социал ҳамда миллий ўзаро низоларга айланиб кетмаслиги, балки реал ишларга сарфланиши, бутунлай чинакам революцион бунёдкорлик масалаларига эришишга қаратилмоғи зарур.

Ҳозир олдимизда жуда катта ва мураккаб вазифалар турибди. Янгилик кўламлари қаршисида, юзага отилиб чиққан муҳокама ва ҳиссиётларнинг хилма-хиллиги қаршисида саросимага тушиб қолмаслик муҳимдир. Буларнинг ҳаммасига қайта қуриш натижасида имкон туғилди ва улар жамиятимизни янгилаш жараёнларини янада ривожлантиришга ёрдам бермоғи керак.

XXVII съезд, XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан қатъий ва изчил бориш, хилма-хил фикрлар ва манфаатларни эркин ифодалаш ҳамда мувофиқлаштириш учун демократик воситаларни вужудга келтириш керак.

Депутат ўртоқлар, юқорида айтилганларнинг ҳаммаси бугун СССР Олий Совети қараб чиқаётган масаланинг аҳамиятини кўрсатиб турибди.

Шунингдек, ҳозир амалга оширилаётган ўзгаришлар совет давлатчилигини ривожлантиришда қандай ўрин тутишини аниқ кўра билиш, уларни тарих тарозисида тортиш ҳам керак.

Ҳокимият тўғрисидаги масала ҳар қандай жамиятда бош масаладир. Лекин у революцион даврларда, эски сиёсий система бузиб ташланаётган ва янги сиёсий система қарор топаётган, жамият келажакда бутун бир тарихий давр мобайнида яшаши ва ривожланиши керак бўлган тартиблар ва қоидалар қарор топтирилаётган даврда алоҳида аҳамият касб этади.

Катта сиёсатнинг барча масалалари — партия, Совет давлати, касаба союзлари, комсомол, бошқа жамоат ташкилотларининг ўрни ва роли, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартиби, бошқарув органлари фаолиятини ва давлат ҳаётининг боришини тартибга солувчи принциплар ва нормалар, давлат билан граждан ўртасидаги муносабатлар — такрор айтаман, барча сиёсий масалалар социализм шароитида асосий нарсага — меҳнаткаш инсон манфаатларига қараб ҳал қилинмоғи керак.

(Давоми 2, 3-бетларда).

## *СССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида*

# ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1988 йил 29 ноябрь куни Москвада ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессияси иш бошлади.

Эрталаб соат 10 да Катта Кремль саройида Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг биринчи қўшма мажлиси очилди. Миллатлар Советининг Раиси А. Э. Восс раислик қилади.

Мажлисда М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Ю. Д. Маслюков, Г. П. Разумовский, Ю. Ф. Соловьев, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов ва О. Д. Бакланов ўртоқлар иштирок этдилар.

СССР Олий Совети палаталар Оқсоқоллар Кенгашлари томонидан маъқулланган СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан сессиянинг кун тартиби ва иш тартибини тасдиқлади.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:

Давлат қурилиши соҳасида сиёсий ислоҳот ўтказиш тадбирлари тўғрисида.

СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида.

СССР Олий Совети кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишга киришади.

Давлат қурилиши соҳасида сиёсий ислоҳот ўтказиш тадбирлари тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда депутатлар В. С. Шевченко, А. С. Қамай, И. И. Жирнов, Р. Н. Нишонов, В. П. Ефремов ва С. Б. Татлиев сўзга чиқдилар.

* * *

Соат 15 да Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг иккинчи қўшма мажлиси очилди. Иттифоқ Советининг Раиси Ю. Н. Христораднов раислик қилади.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан музокаралар давом эттирилди. Музокараларда депутатлар Г. В. Колбин, З. П. Пухова, А. Н. Фадеев, В. С. Астраускас, В. И. Мироненко, В. З. Мавликов, Латвия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. В. Горбунов, Ғ. Паллаев, Б. В. Кравцов, В. Қ. Месяц, Д. И. Патиашвили, Н. И. Попов, Т. А. Жумаханов, Р. Х. Хабибуллин, Н. П. Отке, В. Д. Жиловский, Қ. Турисов ва К. Ю. Лавров сўзга чиқдилар.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда.

